# Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ВА АҲОЛИГА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАШНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бошқарув аппарати ходимларига тааллуқли меҳнат ресурслари учун тўловлар оширилиб, йилига 300 сўмдан 600 сўмга етказилсин, бундай тўловлар, инвалидлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотларидан, уларнинг корхоналари, муассасалари, бирлашмалари ва ўқув юртларидан ташқари, кооперативлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг корхоналари учун ҳам жорий этилсин.

Давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тарифини ва меҳнат ресурслари учун тўловлар миқдорини ошириш ҳозирги беш йилликда корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга белгилаб қўйилган иқтисодий нормативлар ўзгартирилмаган ҳолда 1990 йил 1 январдан амалга оширилсин.

**10-Модда.** Мазкур қонуннинг 1—3, 5—7-моддаларида кўзда тутилган тадбирлар 1989 йил 1 октябрдан, 4 ва 8-моддаларида кўзда тутилган тадбирлар 1990 йил 1 январдан амалга оширилсин.

**11-Модда.** СССР Министрлар Советига амалдаги қонунларга мазкур қонундан келиб чиқиб ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни уч ой ичида СССР Олий Советига тақдим этиш топширилсин.

**СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ.**

**Москва, Кремль.**
**1989 йил 1 август.**

---

**Республика партия, совет, касаба союз органлари фаоллари вакиллари кенгашининг қарори**

# МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДАГИ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ВАЗИЯТНИНГ АҲВОЛИ УЧУН ҲАМДА ЎТКИР СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА КАСАБА СОЮЗ ОРГАНЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг совет халқига Мурожаатномасида таъкидланганидек, сўнгги вақтдаги воқеалар, иш ташлаш ва стачкалар, ҳали у, ҳали бу регионда содир бўлаётган миллий можаролар мамлакатимиздаги қайта қуриш ўткир ва оғир даврни бошидан кечираётганини кўрсатиб турибди.

Кенгаш шуни қайд этадики, кейинги вақтларда республиканинг турли регионларида ҳам меҳнат коллективларида ҳал этилмаган иқтисодий ва ижтимоий муаммолар заминида можароли вазиятлар тез-тез учраб турибди. Самарқанд область Маржонбулоқ руда конининг «Зармитан» шахтасида, Бекобод шаҳридаги автобус-таксомотор паркида ва бошқа жойларда намоён бўлган иш ташлашлар шуни кўрсатадики, бундай ҳаракатларга кўп жиҳатдан жойлардаги хўжалик ва совет органларининг тепса тебранмаслиги, меҳнаткашлар турмушининг ғоят муҳим муаммоларини ҳал этишда партия ва касаба союз ташкилотларининг ташаббуссизлиги сабаб бўлди.

Масалан, меҳнат коллективларида неча йиллар мобайнида меҳнат шароитини яхшилаш масалалари ҳал этилмай келинмоқда, хавфсизлик техникасининг энг оддий талабларини бузиш, иш ҳақини тўлашни асоссиз равишда кечиктириш каби ва бошқа ҳоллар тез-тез учраб турибди.

Иқтисодий ислоҳот йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст суръатлар билан амалга оширилмоқда, бу эса меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда уларнинг ташаббусини бўғиб қўймоқда. Яхшироқ хўжалик юритиш йўли билан давлат корхонаси тўғрисидаги қонун доирасида энг ўткир социал муаммоларни тезроқ ҳал этиш имкониятининг йўқлиги меҳнаткашларни ҳаққоний ғазаблантирмоқда. Айрим раҳбарлар ўткир социал муаммолар тўғрисида юқори органларга навбатдаги ахборотни бериб, уларни ҳал этмасликка ҳаракат қиладилар.

Меҳнат, технология ва жамоат интизоми бузилишига эътибор қилинмаётган, палапартишликка, белгиланган тартибдан чекинишларга кўникиб қолишган корхоналар сони камаймаяпти. Машина-ускуналар, механизмларнинг кўплаб бекор туриб қолиши, маҳсулот етказиб бериш планларининг чала бажарилиши кўп жиҳатдан сабабсиз ишга чиқмаслик, маъмуриятнинг ижозати билан ишга келмаслик билан, кўпинча эса одамларнинг меҳнатини тўғри ташкил эта билмаслик билан ҳам боғлиқдир.

Хўжалик муносабатларида, айниқса шартномавий мажбуриятларни бажаришда, социалистик мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун жавобгарлик ҳақидаги қонунларни ижро этишда қонунчиликка риоя этилишида ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд.

Партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида» 1986 йил 20 ноябрда қабул қилган қарорини бажариш юзасидан амалий ишларни ташкил этмадилар. Ана шу қарор қайта қуришни ҳуқуқий таъминлаш масалаларида энг асосий партиявий ҳужжатдир.

Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришни издан чиқаради, меҳнат коллективларида маънавий муҳитни ёмонлаштиради, онгли меҳнатчиларни асабийлаштиради, интизомнинг бўшашувига имконият яратади, салбий кайфиятларни келтириб чиқарадики, булардан айрим масъулиятсиз кимсалар норозиликни давлат, партия, совет ва хўжалик органлари билан муҳолифлик ўзанига буриб юбориш учун фойдаланадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика кенгаши меҳнаткашларнинг қонуний талабларига қўшиладилар ва қўллаб-қувватлайдилар, уларнинг қайта қуришни яна ҳам қатъият билан олиб бориш, янги меҳнат ва турмуш шароитларини вужудга келтириш йўлидаги бюрократик ғовларни емириш муддаосини тўла-тўкис тушунадилар, туб иқтисодий ислоҳот, демократиялаш, ошкоралик жараёнини янада ривожлантириш учун курашаётган барча кучларни мумкин қадар кўпроқ бирлаштириш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Кенгаш иқтисодий фаолиятни издан чиқарувчи ва жамоат турмушини беқарорлаштирувчи номатлуб ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни таклиф этади:

Область, шаҳар, район партия комитетлари, область ҳамда шаҳар ва район ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари бир ой ичида ҳар бир меҳнат коллективидаги ишчиларнинг аҳволини ғоят синчиклаб ўрганиб чиқсинлар, бунда жуда муҳим иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этиш учун кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш, корхоналар ва ташкилотларга берилаётган ҳуқуқлардан энг кўп даражада фойдаланиш назарда тутилсин. Жойлардаги раҳбарларнинг ҳуқуқ доирасига кирадиган масалаларнинг ҳал этилиши учун мана шу раҳбарларнинг масъулияти оширилсин.

Шу мақсадда барча бошланғич партия ташкилотларида очиқ партия йиғилишлари ўтказилсин ҳамда партия ташкилотларининг меҳнат коллективларига таъсирини кучайтириш ва коммунистларнинг пешқадамлик ролини ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилсин.

Неча йиллар мобайнида жойларда ҳал этилмай қолаётган, аммо, одамларни ниҳоятда қизиқтираётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўриб чиқилсин, уни соғломлаштириш, нархларни, тарифларни, иш ҳақини, тунги меҳнат ҳақини адолатли белгилаш, ишчиларни коржома билан таъминлаш, ишчи ва хизматчиларнинг овқатланишини, уларга транспорт, медицина хизматини ташкил этиш, ишлаб чиқаришда ҳам, ётоқхоналарда ҳам турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан аниқ-равшан амалий чоралар кўрилсин.

**Уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчилар, ёлғиз оналар, аҳолининг бошқа тоифасига мансуб кишилар ўзларига давлат бериб қўйган имтиёзлардан ҳеч қандай тўғаноқсиз фойдалана олишлари эътибор билан ўрганиб чиқилсин ва шундай чоралар кўрилсин.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгаши билан биргаликда 1990 йилнинг январига қадар квартираларни, енгил автомашиналарни, санаторийлар ва дам олиш уйларига йўлланмаларни, гўштли, сутли ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини, чорва учун ем хашакни тақсимлаш, оилавий фермаларни ташкил этиш ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер участкаларини ажратиб бериш каби масалаларда ижтимоий адолатни таъминлайдиган янги тартибни ишлаб чиқсин. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, депутатлар комиссиялари билан биргаликда улар республиканинг ҳар бир регионига тадбиқан кўриб чиқилсин.

Йиғилиш тегишли органлар сайлов кампанияси давомида СССР халқ депутатларига сайловчилар берган наказларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишлари, уларнинг сўзсиз бажарилиши учун чоралар кўришлари зарур, деб ҳисоблайди. Меҳнаткашлар ўзларининг депутатларига берган наказлари қандай амалга оширилаётганини кўриш имконини берадиган механизмни ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгаши ишчи назорати комиссияларининг фаолиятини авж олдириши, уларнинг куч-ғайратини ғоят камёб товарлар ва хизматларни тақсимлаш янгича қоидаларига қаттиқ риоя этилишига қаратиши зарур.

Аҳолига савдо ва маиший хизматни бутун чоралар билан яхшилаш учун ишчилар назорати ҳуқуқлари ва имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарур. Касаба союз ташкилотлари ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб ва бурчларини бажара бориб, коллектив шартномаларининг амалга оширилиши устидан назоратни кучайтиришлари, корхоналар ва ташкилотлар маъмуриятининг журъатсизлиги, эпчил эмаслиги сабабли можароли вазиятлар ва меҳнат низолари вужудга келишининг қатъиян олдини олишлари керак. Касаба союз комитетлари, меҳнат коллективларининг кенгашлари, меҳнат низолари комиссиялари ҳамда бошқа жамоат тузилмалари орқали меҳнаткашларни социал-иқтисодий масалаларга доир қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга фаол жалб этиш лозим. Меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш, хавфсизлик техникаси қоидаларига, меҳнаткашларнинг бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш соҳасидаги энг долзарб масалалар меҳнаткашлар билан биргаликда муҳокама қилинсин ва уларнинг ечими топилсин, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари жуда тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун шарт-шароитлар яратилсин.

Халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари кооперативларнинг фаолиятини синчиклаб таҳлил этсинлар, **ҳар бирини ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини аниқласинлар,** ишлаб чиқаришга қилинган реал сарф-харажатларга мос келадиган нархларда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўлидан бораётган кооперативларнинг ишини бутун чоралар билан рағбатлантирсинлар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат ҳақини асоссиз равишда ошираётган, аҳолининг қонуний ғазабланишига сабаб бўлаётган **чайқовчи кооперативларга нисбатан конкрет чоралар кўрилсин.** Бу ишга жамоатчилик, депутатларнинг группалари жалб этилсин, улар у ёки бу кооперативнинг фаолияти қанчалик фойдали эканлигини аниқласинлар.

Республика министрликлари идоралари халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари билан биргаликда зарар кўраётган ёки паст рентабелли ҳар бир корхона, колхоз, совхоз, ташкилотнинг фаолиятини ўрганиб чиқиб, уларнинг ишини яхшилаш ёки уларни тугатиш, ёхуд меҳнат коллективига ижарага бериш чораларини кўрсинлар.

Меҳнаткашларга иш ҳақи ўз вақтида берилиши учун республика банклари ва корхоналари раҳбарларининг жавобгарлиги оширилсин.

Ўзбекистон ССР прокуратурасига, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига, Ўзбекистон ССР Адлия министрлигига, Ўзбекистон ССР Олий судига, Ўзбекистон ССР Давлат арбитражига, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетига, Ўзбекистон ССР Касаба союзлари республика советига план шартнома интизоми бузилишининг олдини ҳуқуқий воситалар билан олиш, йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш юзасидан биргаликдаги ишларни мувофиқлаштиришни яхшилаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш тавсия қилинсин. Республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, социалистик демократияни авж олдириш, фаол олға ҳаракат қилиб боришга халақит бераётган барча нарсаларга қарши курашда меҳнаткашларнинг ғайратини кучайтириш вазифаларини ғоят муваффақиятли равишда амалга ошириш манфаатларини кўзлаб, уларнинг ихтиёрида бўлган ҳуқуқий воситалардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланилсин.

1989 йилнинг иккинчи ярми мобайнида республика аҳолиси ялпи ҳуқуқий таълимининг аниқ системасини ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин, меҳнаткашларда ҳуқуқ ва бурчлар бирлигини чуқур англашни, совет қонунларига нисбатан ҳурматни шакллантириш шу системанинг бош вазифасидир. Бу йўналишдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон ССР Адлия министрлиги зиммасига юклансин.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашлари ўртасида СССР Олий Советининг совет халқига Мурожаатномаси теварагидаги тушунтириш ишларини авж олдириб юборишлари, ҳар хил баҳоналар билан тўсқинлик қилиш, фаолиятсизликни ниқоблаш йўлидаги уринишларга қарши қатъиян курашишлари, мавжуд қийинчиликлардан фойдаланиб қолишга уринаётган иғвогарлар, ғаламисларга зарба беришлари керак. Саросималикка ва ноуюшқоқликка йўл қўйилмасин, зўр ғайрат билан рўй-рост, ошкора ҳаракат қилинсин. Иш ҳар бир коллективда социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий вазиятни яхшилаш сари қатъият билан олиб борилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоларини, СССР халқ депутатларини, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон ССР Олий Советининг депутатларини, министрликлар ва идораларнинг раҳбарларини жойлардаги вазиятни ўрганиш, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш ва мазкур кенгаш тавсияномалари қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш учун меҳнат коллективларига юбориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

**Чилонзор районидаги Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган халқлар дўстлиги байрамидан ҳисобот**

# «ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, қозоқ дўстларимиз жойлашган павильон кишилар билан айниқса гавжум. Чунки бу ерда — ўрнатилган қозоқ ўтовлари кўпчиликни жуда қизиқтириб қўйди. Шунингдек, бу ерда намойиш этилаётган уй-рўзғор ва ҳунармандчилик буюмлари (ўғир, кели, куви, эгар ва ҳоказолар) қадимги қозоқ турмушини кўз олдингизга келтиради. Биз ўтов олдида Тошкентда ташкил этилган қозоқ маданияти маркази директори О. Укубаев билан танишдик.

— Дўстлик байрамига таклиф этилганимиздан жуда ҳурсанд бўлдик, — дейди Ортиқбой Қинабекович. — Шунинг учун ҳам бугун биз куй ва қўшиқлар ижро этиш билан бирга миллий маданиятимизни, урф-одатларимиз ва турмуш тарзимиз ҳақида томошабинларда тасаввур ҳосил қилдириш учун келдик.

Чимкент шаҳар филармонияси «Шалқима» ансамбли ижро этаётган «Ота тўлғови» куйини тинглар эканмиз Олмалиқ шаҳар «Спутник» маданият уйининг «Сударушка» рус фольклор ансамбли қизлари бир пиёла рус чойига таклиф этдилар.

Қардошларимиз ёнида эса Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг «Колос» корейс халқ фольклор ансамбли сўнгги тайёргарлик кўраётган эканлар. Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг «Жемчужная» болалар халқ рақс ансамбли қизларини эса боғдаги ранго-ранг турфа гулларга қиёслаш мумкин.

Шу пайт карнай-сурнай садолари авжига чиқиб, байрам тантаналари бошланганидан дарак беради. Ўзбекистон телевидениесининг дикторлари Дилором Умарова ва Алишер Бадаловлар давраии очиқ деб эълон қилганларидан сўнг ҳар бир миллат вакиллари ўз миллий кийимларида куй ва қўшиқлар билан ёзги клуб-чойхонага кириб келишди.

— Биз кўпмиллатли буюк бир оилада яшаймиз, — деди Ўзбекистон ССР Маданият министри муовини Раъно Назаровна Нишонова. — Халқларимиз қанчалик аҳил, бирдам бўлишса, Ватанимиз шунчалик қудратли, юртимиз эса осойишта бўлади. Шу нуқтаи назардан тинчлик, дўстлик ва биродарликни мадҳ этувчи бугунги байрамимизнинг аҳамияти каттадир.

**...Дўст билан обод**
**уйинг гар**
**бўлса у вайрона ҳам.**
**Дўст қадам қўймас эса**
**вайронадир кошона ҳам...**

Шоир на қадар ҳақ гапни айтган. Таниқли ҳофизимиз атоқли санъаткор Ф. Умаров ана шу машҳур ғазални қиёмига етказиб куйлаши айни пайтда тилла узукка ёқут кўздек мос тушди...

Шунинг учун томошабинлар машҳур санъаткорнинг сўзларини қизиқиш билан тингладилар.

Ўзбек ва уйғур халқлари бир-бирлари билан қадим-қадимдан қардош, қондош.

— Бугунги байрамимизда ўтирар эканман, — деди уйғур шоири ва адабиётшуноси, филология фанлари номзоди Рўзи Қодирий. — Бу ерда барча миллатларнинг миллий туйғу, миллий руҳ ва миллий ҳислари уфуриб турганлигидан ҳурсандман. Бу қайта қуриш шарофати туфайли ҳар бир миллат ўз маданиятини тиклаб, ўзлигини таниб олиши демакдир.

Шундан сўнг Ўзбекистон Давлат филармонияси қошидаги уйғур ашула ва рақс ансамбли (Х. Хеломов раҳбарлигидаги) «Булбул сайраб» ва «Тўмучиғум» халқ қўшиқларини ижро этди.

Элимизнинг ардоқли шоири СССР халқ депутати Абдулла Орипов сўзлари кўпчилик эътиборини алоҳида жалб қилди.

— Дарҳақиқат, — деди шоир, — дўстликни тараннум этиш, уни улуғлаш бизга тарихдан, мутафаккир алломаларимиз Навоий, Бобур, Улуғбеклардан мерос. Улуғ Навоий ўзининг деярли барча асарларида халқлар дўстлигини, байналмилалликни мадҳ этган. Биргина унинг «Хамса»сидан жой олган «Фарҳод ва Ширин» достонини олайлик. Унда Фарҳод — хитой ҳоқонининг ўғли, Ширин — арман қизи, Шопур эса — эрон.





СССР халқ артисти Тамарахоним ҳам улкан санъати, ноёб таланти билан элда азиз бўлган, назар топган аёллардан. Унинг асл миллати — арман. Лекин республикамизда ўсиб, улғайди, камолга етди, оламга танилди. Бугунги кунда Тамарахоним турли миллатлар санъатининг фақатгина тарғиботчисигина эмас, балки ижрочиси ҳамдир.

Худди ана шундай фикрлар филология фанлари доктори, профессор А. Қаюмов, Тошкент автомобиль йўллари институти доценти, техника фанлари номзоди Ф. Зикриллаевлар сўзларида ҳам ўз ифодасини топди.

Қрим-татар шоири Черкез Али, корейс шоири Угай Дегуклар ҳам ўзларининг дил сўзлари билан халқларимиз ўртасидаги муқаддас дўстликни тараннум этдилар.

Сариоғочлик ўланчи Сафаргул Тожибоева, Равиқа Шойибекова, чимкентлик Омонгелди Бердиалиев, бекободлик Людмила Цой, Коммунистик районидан Зоя Ким, Калинин районидан Малика Асомова, олмалиқлик Рая Санникова, Татьяна Мартинова, тошкентлик Абдураҳим Аҳмадий, Гулсара Раимоваларнинг куйлари, қўшиқлари ва рақсларидаги дўстлик ва биродарлик мадҳияси байрам қатнашчиларига ўзгача завқ бағишлади.

— Илтимос, болаларим,— дейишди Чилонзор районидаги Тинчлик, Қозиработ, 1-Қатортол маҳаллаларининг кекса отахонлари,— умр ўтиб бораяпти, унинг қимматли фурсатларини фақат ҳалол меҳнат, эзгулик ва аҳил-иноқ, завқли яшашга бағишланг. Қаердаки, тинчлик, хотиржамлик, дўстлик бор экан, шу ерда файз, барака-қут бўлади. Бугунги байрамингиз, томошаларингиз учун раҳмат.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**









**Суратларда: дўстлик байрамидан лавҳалар.**

*• Газета саҳифаларида*

# ҚЎШМА СОН

**СССР Ички ишлар министрлиги Қизил Юлдуз орденли ички қўшинлар бошқармасининг Шимолий-Ғарб ва Болтиқбўйида чиқаётган «ЗАЩИТНИК РОДИНЫ» газетаси ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқда. Газета ички қўшинларда турли миллат фарзандлари хизмат қилаётганликларини ҳисобга олиб, қардош республикалар ва областлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи жанговар иловалар, қўшма сонлар бериб бораяпти. Яқинда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари ижодий ходимлари билан ҳамкорликда тайёрланган қўшма сон солдатлар қўлига бориб тегди. «Интернационализм мактаби» рубрикаси остида эълон қилинган бу сон ички қўшинларда хизмат қилаётган оддий солдат Абдунаби Абдураҳмонов ҳаёти, юртдошлари фаолияти, ҳамшаҳарлари бажараётган ишларга бағишланди.**

**Биринчи саҳифада жангчининг отаси Абдухалил Абдураҳмонов ва комсомол, Улуғ Ватан уруши ҳамда ички қўшинлар ветерани Хайриниса Содиқованинг фарзандларга қарата очиқ хатлари эълон қилинган. Улар ёш жангчиларни оталар асос солган шонли анъаналарга содиқ қолишга, дўстлик ва интернационализм байроғини баланд кўтаришга даъват этганлар.**

**Капитан В. Шевченконинг «Абдураҳмоновлар» сарлавҳали фотоочеркида ёш жангчи ва унинг авлоди ҳаётидан ҳикоя қилинади. Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамбли раққосаси Наргиза Алимова, танбурсоз уста Хирожиддин Муҳиддинов фаолияти билан таништирувчи лавҳалар ҳам эҳтирос билан ёзилган. Ўзбекистоннинг қардош республикалар билан алоқасига оид хабарлар, фотолавҳалар эса ғоят жонли чиққан.**

**Абдунаби Абдураҳмонов туғилиб ўсган юртни дўстлик ришталари қардош ўлкалар билан боғлаб турибди. Бу дўстликка ҳамиша содиқ қолишимиз, қардошлик туйғуларини кўз қорачиғидек асрашимиз керак. Шу жиҳатдан қараганда «ЗАЩИТНИК РОДИНЫ», «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарининг қўшма сони катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.**

# • ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

## Душанба

### 7 август

**● ЎзТВ**

15.00 Ҳужжатли фильм. 16.15 Тўй айбланади. Бадиий фильм. 17.30 Фильм-концерт. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.45 Мультфильм. 19.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Ростсельмаш» (Ростов-Дон). 20.50 Ахборот. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Келинг, бир кулишайлик... Юсуфжон қизиқ Шакаржонов таваллудининг 120 йиллигига.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.25 Министр бўлмоқчиман. Бадиий фильм. 20.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. Фрунзе кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Талас районидаги «Орол» ўрта мактабининг ўқитувчиси, СССР Олий Советининг депутати Б. Исоқов билан учрашувлар. 23.05 Чўл эскадрильяси. Бадиий фильм.

**● МТ I**

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Спрут». Бадиий фильм. 1-серия. 10.35 Концерт. 11.10 Қўғирчоқ театри олами. 15.50 «Рус жилолари» халқ коллективининг концерти. 16.25 Ҳужжатли фильмлар. 17.40 1989 йил қўшиқлари. 18.00 Максипес Фик. Мультфильм. 18.30 Ямайка миллий рақс-театр группасининг концерти. 19.00 Футбол шарҳи. 19.30 Автопортрет. 20.15 А. С. Пушкиннинг «Полтава» поэмасини РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Шакуров ўқийди. 21.30 «Время». 22.05 «Спрут». Бадиий фильм. 1-серия. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Ёшлар хабарномаси. 00.05 Сизга қўшиқ куйлаб бераман. 00.50 Енгил атлетика.

**● МТ II**

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Концерт. 10.10 Итальян тили. 10.40 Мультфильмлар. 11.10 Шу куннинг хроникаси. 11.30 Бу дунёни ҳаяжонлантирмоқда. 11.45 Тўрт танкчи ва ит. Бадиий фильм. 5-серия. 12.35 Концерт. 13.00 Ҳужжатли фильм. 13.25 Парафраза. П. Лассман чалади. 13.35 Қоплон дара бандилари. (Ереван бадиий ва хроникал фильмлар киностудияси). 14.35 Ҳужжатли фильм. 16.50 Янгиликлар. 17.00 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 18.00 Украина ССР Давлат телерадиоси «Славутич» телеэкспедицияси. 19.30 Енгил атлетика. Европа кубоги. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Енгил атлетика. 21.30 «Время». 22.05 Ҳужжатли фильмлар. 23.00 Тонгги почта. 23.30 Янгиликлар. 23.40 Футбол. Халқаро учрашув. «Спартак» (Москва) — Жанубий Корея терма командаси.

## Сешанба

### 8 август

**● ЎзТВ**

15.00 Оила сирлари. Бадиий фильм. 16.30 Инсон ва табиат. 17.15 Мактаб ислоҳоти — ҳаётга! 18.00 Янгиликлар. 18.15 Регби бўйича СССР кубоги, «Звезда» (Тошкент) — «Фили» (Москва). 18.55 «Дийдор». Байналмилалчи жангчиларнинг оналари билан учрашув. 19.15 Тилга эътибор. 20.00 Ахборот. 20.20 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 20.50 Кўҳна истироҳат боғининг навқиронлиги. Манзарали фильм. 21.00 Ёшлигим, тарк этма мени. Б. Холхўжаев ижросида лирик қўшиқлар. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.35 Медаллар машаққати. Бадиий фильм. 1-серия. 20.40 Телефильмлар. ДУШАНБЕ кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Куппа-кундуз куни. Бадиий фильм.

**● МТ I**

7.00 «120 минут». 9.05 Ёзги боғда. 9.40 «Спрут». Бадиий фильм. 2-серия. 10.35 А. С. Пушкиннинг «Полтава» поэмасини РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Шакуров ўқийди. 11.50 Қўғирчоқ театри олами. 12.40 Бу бўлган... бўлганди... 16.05 А. Лядовнинг саккизта рус халқ қўшиғи. 16.30 Ҳужжатли фильм. 17.20 Максипес Фик. Мультфильм. 17.40 Дарвозаси тиллодан. Музикали эртак. 18.30 Партком ва қайта қуриш. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Концерт. 19.55 Мультфильм. 20.15 Москва жаҳон музикали фестивали. 20.30 Олам кинокамера кўзгусида. 21.30 «Время». 22.05 «Спрут». Бадиий фильм. 2-серия. 23.00 Дунё воқеалари. 23.15 Эстонияда нималар содир бўлмоқда.

**● МТ II**

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.15 Асрлар қаъридан янграган куйлар. 10.00 Француз тили. 10. 30 Илҳом. И. Суручану куйлайди. 11.00 Мультфильмлар. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Тўрт танкчи ва ит. Бадиий фильм. 6-серия. 12.35 Ҳужжатли фильм. 12.45 Француз тили. 13.15 Кичик концерт. 13.30 Петерс. Бадиий фильм. 15.10 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Менинг муҳаббатим — инқилоб. (Тожикфильм). 19.00 В. Готовцева куйлайди. 19.20 Ритмик гимнастика. 19.50 Шеърият лаҳзалари. 19.55 Оғриқ ёки ҳаётдан бир неча лаҳзалар. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 Бизнинг фондимиздан. СССР халқ артисти Ю. Гуляев концерти. 21.30 «Время». 22.05 Менинг муҳаббатим — инқилоб. (Тожикфильм). 23.30 Янгиликлар.

## Чоршанба

### 9 август

**● ЎзТВ**

15.00 Анъаналар, маросимлар, байрамлар. 15.55 Телефильм. 16.35 Малласоч аёл. Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.35 Мактаб ўқувчиларининг СССР халқ депутати, «Шўртангаз» Бош директори А. Омонов билан учрашуви. 19.15 Адабий театр. Э. Воҳидов. Дониш қишлоқ латифалари. 19.55 Реклама. 20.00 Ахборот. 20.20 Ҳаёт бахш этиб... 20.50 Дилдан мадҳинг куйлайин. Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Экран таништиради... Кинокўрсатув.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.30 Абитуриент — 89. 20.00 Медаллар машаққати. Бадиий фильм. 21.05 «Пульс» информацион кўрсатув. 21.15 Телефильм.

**ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ**

21.30 «Время». 22.05 «Иссиқкўл — 89».

**● МТ I**

7.00 «120 минут». 9,00 Дарвозаси тиллодан. Музикали эртак. 9.55 «Спрут». Бадиий фильм. 3-серия. 10.55 Мўъжизасиз мўъжизалар. 11.55 Қўғирчоқ театри олами. 12.45 «Камалак». Индонезиянинг сержилва қиёфаси. 16.05 Музикали хазина. 16.55 Ҳужжатли фильм. 17.25 Максипес Фик «Мультфильм. 17.45 Сингапур бўйлаб сайр. 18.15 Халқ ижодиёти. Телекўрсатув. 18.45 «Агро». Тележурнал. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Қрим эскизлари. Ҳужжатли фильм. 20.00 Мультфильм. 20.10 Маърака. Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Спрут». Бадиий фильм. 3-серия. 23.05 Дунё воқеалари. 23.20 Дом концерт залида Москва Патриархати нашриёт бўлимининг эркаклар хори куйлайди.

**● МТ II**

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Звездочка. Илмий-ўқув журнал. 9.30 Масхарабозлар. Фильм-концерт. 10.00 Немис тили. 10.30 Мультфильмлар. 11.00 Поэзия. А. Марков. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Тўрт танкчи ва ит. Бадиий фильм. 7-серия. 12.25 Татар фольклор куйларидан концерт. 12.50 Шарқий Сибирь. Киножурнал. 13.00 Немис тили. 13.30 «Менинг муҳаббатим — инқилоб». Бадиий фильм. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Оренбург оқшомлари. 18.30 Городки спорти. Касаба союзлари I Бутуниттифоқ ишчи спартакиадаси. 19.05 Мордва АССР Давлат телерадиоси. 19.45 Бизнинг фондимиздан. Курс қўшиқлари. 20.10 Ҳокимият ҳақида. Кўмир саноати министри М. Шадов иштирок этади. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Биз учишни истаймиз. 21.30 «Время». 22.05 Фильм-концерт. 22.55 Поль Гоген. Илк орзулар. Ҳужжатли фильм. 23.45 Янгиликлар.

## Пайшанба

### 10 август

**● ЎзТВ**

15.00 Ерни ардоқланг. Ҳужжатли фильм. 15.50 Медаллар машаққати. Бадиий фильм. 1-серия. 16.55 Советлар мамлакатининг кишилари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Инсон болаликдан бошланади. 19.00 «Резерв № 1», «Объективда — қайта қуриш». Шартнома асосида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳақида. 19.30 Сизнинг ёшлигингиздаги команда. 20.00 Ахборот. 20.20 «Ёдгорлик». Ойбек хотирасига бағишланади. 21.25 Реклама. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Бевосита мулоқот. 23.25 Муҳаббатга гул тутар боғлар. Музикали программа.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.35 Телефильмлар. 20.35 Реклама. 20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни қизғин пайт. ДУШАНБЕ кўрсатади: 21.30 «Время». 22.05 Фарзандлар даври. Бадиий фильм.

**● МТ I**

7.00 «120 минут». 9.05 Подолянка. Фильм-концерт. 9.35 «Спрут». Бадиий фильм. 4-серия. 10.40 Киноафиша. 11.40 Дунё бўйлаб. Альманах. 16.25 Ҳужжатли фильмлар. 17.05 «Русская музика» ансамблининг чиқиши. 17.25 «Максипес Фик». Мультфильм. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.10 1989 йил қўшиқлари. 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.15 «Дунё воқеалари» 19.30 Будапешт баҳори фестивалининг концертлари. 19.45 Фалсафий суҳбатлар. 20.30 Испан операси юлдузлари. Х. Каррерас. 21.30 «Время». 22.05 «Спрут». Бадиий фильм. 4-серия. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.30 Футбол. «Динамо» — Жаҳон терма командалари учрашуви.

**● МТ II**

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.25 Испан тили. 9.55 Концерт. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Тўрт танкчи ва ит. Бадиий фильм 8-серия. 12.25 Мультфильмлар. 13.00 Испан тили. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Альдебаранга! Бадиий фильм. 18.05 А. Корчагин меҳмонимиз. 18.30 Мультфильм. 18.40 Баскетбол. 19.45 Телевизион музикали абонемент. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Эсдан чиқармаслик керак. 21.30 «Время». 22.05 «КВН-89». 00.15 Альдебаранга! Бадиий фильм. 00.40 Янгиликлар.

## Жума

### 11 август

**● ЎзТВ**

15.00 Медаллар машаққати. Бадиий фильм. 2-серия. 16.05 Болалар учун фильм. 17.05 Кинопрограмма. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Бу сирли олам. 19.00 Футбол. «Пахтакор» — «Динамо» (Ставрополь). 20.50 Эстрада калейдоскопи. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Сув ва ғўза. 22.45 Назм ва наво.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.35 Телефильм. 19.55 Болалар учун фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Насийск тулпорлари. Фрунзе кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Суғориш ишларига эътибор. 22.15 Коммерция бўлими таклиф этади. 22.25 Биз ва тоғларимиз. Бадиий фильм.

**● МТ I**

7.00 «120 минут». 9.05 Спрут. Бадиий фильм. 5—6-сериялар. 11.20 Йил фасллари. 16.00 Халқ куйлари. 16.15 Болалар учун фильм. 17.25 Интерсигнал. 17.55 Футбол. «Динамо» терма командаси — жаҳон терма командалари. 21.30 «Время». 22.05 Бу бўлган... бўлганди... 22.25 Спрут. Бадиий фильм. 5-серия. 23.30 Дунё воқеалари. 23.45 Спрут. Бадиий фильм. 6-серия.

**● МТ II**

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Студия таништиради. 9.30 Концерт. 10.00 Инглиз тили. 10.30 Пушкин ва у яшаган давр. 11.15 Мультфильм. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Тўрт танкчи ва ит. Бадиий фильм. 9-серия. 12.40 Мультфильмлар. 13.00 Инглиз тили ўқилсин 13.30 Альденбаранга. Қисқа метражли бадиий фильм. 13.55 Ритмик гимнастика. 14.25 Киножурнал. 17.25 Янгиликлар. 17.35 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар. 18.50 Бу фантастик олам. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.50 Ўз қўшиқларингизни асранг. 21.30 «Время». 22.05 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар. 23.25 Музикали программа. 00.25 Янгиликлар.

## Шанба

### 12 август

**● ЎзТВ**

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. 11.10 Тожикистон телевидениесининг программаси. 12.35 Оналар мактаби. 13.05 Ринг. Бадиий фильм. 14.35 Ёшлик. 15.05 Офат ва нажот. 15.35 Замандас. 16.35 Ҳамма учун пойабзал. 18.15 Санъат ғунчалари. 18.45 Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 19.25 Реклама. 19.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 20.00 «Ахборот» 20.20 Манзарали фильм. 20.30 Қалб наволари. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

18.05 Октябрятлар учун программа. 18.40 Йўл четидаги уй. Телевизион бадиий фильм. 19.20 Эстрада концерти. 20.00 Информацион программа. 20.20 Бозор Собир. 21.30 «Время». 22.05 Яна бир ёшлар программаси.

**● МТ I**

7.00 «120 минут». 9.00 Сиз яратган боғ. 9.30 Фильм-концерт. 10.00 Инсон. Ер. Коинот. 11.00 Ҳужжатли фильмлар. 11.30 Концерт. 12.10 Ҳужжатли фильм. 14.25 Социализм мамлакатларида. 13.15 Ҳужжатли фильм. 13.25 Дунё воқеалари. 13.40 Болалар учун фильм. 15.05 Бизнинг бурчимиз. 15.30 Дебют. 15.50 Фотоконкурс. 15.55 Останкино концерт студиясида. 17.20 Мультфильм. 17.30 Ҳайвонот оламида. 18.30 Планета. 19.30 Лирик концерт. 19.50 В. Шукшин фильмлари ва роллари. 21.30 «Время». 22.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.25 Одамлар ва манекенлар. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.50 «Мюзик Саммит». «Музикали ринг»да.

**● МТ II**

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Мультфильмлар. 10.05 Фильм-концерт. 11.05 Делегатскаяда музей. 11.30 Информацион кўрсатув. 11.45 Жаҳонгашталик эртаги. Бадиий фильм. 13.30 Мультфильм. 13.40 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 15.25 Спорт ҳаммага. 15.40 Спорт программаси. 17.30 Янгиликлар. 17.40 Давр ва ўзим ҳақимда. 17.55 Булутлар. Бадиий фильм. 19.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар 20.00 А. Серов куйлайди. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 «Пи» белгиси билан. 21.30 «Время». 22.05 «Пи» белгиси билан. 00.35 Янгиликлар.

## Якшанба

### 13 август

**● ЎзТВ**

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Оила даврасида. 10.40 Биргаликда куйлаймиз. 11.05 М. Булгаков. Ит юрак. Спектакль. 13.10 Товарлар — халққа. 13.40 Муаммо билан юзма-юз. 14.50 Қувноқ стартлар. 15.55 Уй — жой — 20 00. 16.25 Реклама. 18.00 Болалар учун фильмлар. 18.45 Бугун — қурувчилар куни. 19.15 Мультипанорама. 20.00 «Ахборот». 20.20 Цирк программаси. 20.50 Дам олиш концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Хевсур қиссаси. Бадиий фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

17.35 Учиш майдони. Телевизион бадиий фильм. 18.45 Телефильм. 19.00 Новости. 19.15 «Мерос». 20.00 Шу ҳафтанинг воқеалари. 20.15 Мультфильм. 20.25 Телетомошабин ҳамроҳи. 20.40 Дам олиш концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Шарқ юлдузлари».

**● МТ I**

8.45 Ритмик гимнастика. 9.20 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Болалар учун информацион-публицистик программа. 14.30 Музикали киоск. 15.00 «Здоровье». 15.45 Мультфильм. 16.05 Сўз ва давр. 17.00 Камалак 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 20.05 Кўринмас одам. Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Спрут—2. Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.20 Оммавий куй янгиликлари. 00.50 Автомобиль спорти.

**● МТ II**

8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар. 10.00 Виолончель ва фортепьяно учун 3—соната. 10.25 Ғалиасқар Камол номли. Қозондан кўрсатилади. 11.25 Акс садо. 11.35 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Саволларга қулоқ сол. 13.30 Ҳужжатли фильм. 13.40 Багратион. Бадиий фильм. 1—2—сериялар. 16.50 Ҳужжатли фильм. 17.30 СССР ИИМ хабар қилади. 17.40 Етти учрашув. 18.15 Ретро. 19.15 Солдатлар куйлаганда. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Оперетта артистлари ижросида музикали программа. 23.20 Санъат усталари. 00.20 Янгиликлар. 00.30 Москва халқаро Тинчлик марафони.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

